

ФАРГОНА ШАҲРИДА АВТОМАТИК ТИББИЙ ИНФУЗИОН ТИЗИМИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Бугун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан биргалиқда Фарғона шаҳрида “Medinjecton Industries” МЧЖнинг автоматик тиббий инфузион тизими ишлаб чиқариш корхонасининг фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

Тантанали тадбирда сўз олган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров мамлакатимизда дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлари ишлаб чиқариш тармоғи ривожланиб бораётгани, бунда маҳаллийлаштириш дастурининг муҳим ўрин тутаётганлигини қайд этди. Мазкур лойиха ҳам ана шу ишларнинг амалий самараси эканлиги таъкидланди.

Мазкур корхона тадбиркор Дилмурод Аҳмедов ташаббуси билан барпо этилди. Қарийб 3 млн. доллар сармоя киритилди. 150 та доимий иш ўрни яратилишига эришилди. Йилига 60 млн. дона дори воситалари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Рамзий лента қирқилгандан сўнг меҳмонлар корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг

[Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-08-31 13:15:56